



**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

THE CIVIL LAW NATURE AND FUNCTIONS OF PERSONAL NON-PROPERTY RIGHTS IN THE DIGITAL ENVIRONMENT

Ikhtiyor Bakhtiyorov

Independent Researcher (PhD)

E-mail: ikhtiyor.bakhtiyorov@gmail.com

Abstract

This article provides a scientific and theoretical analysis of the civil law nature, legal essence, and principal functions of personal non-property rights in the digital environment. It examines the role of these rights in identifying the results of intellectual activity and highlights their importance in ensuring the legal and social connection between the author and the work. The distinctive features of the regulation of personal non-property rights in continental and Anglo-Saxon legal systems are comparatively analyzed. Furthermore, the article substantiates the transformation of these rights in the context of the development of digital technologies, internet platforms, and the digital economy, their impact on the legal regime governing intellectual property objects in civil transactions, and their significance in identifying the right holder, ensuring the authenticity of works, and maintaining the stability of legal transactions.

Keywords

personal non-property rights, copyright, intellectual property, digital environment, digital economy, digital technologies, results of intellectual activity, exclusive rights, right holder, continental legal system, Anglo-Saxon legal system, intellectual property objects.

**РАҚАМЛИИ МУҲИТДА ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Ихтиёр Бахтиёров





**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

Мустақил изланувчиси (PhD)

E-mail: ikhtiyor.bakhtiyorov@gmail.com

Аннотация. Мақолада рақамли муҳитда шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати, ҳуқуқий моҳияти ҳамда асосий функциялари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини идентификация қилишдаги ўрни, муаллиф ва асар ўртасидаги ҳуқуқий ҳамда ижтимоий боғлиқликни таъминлашдаги аҳамияти очиқ берилган. Континентал ва англо-саксон ҳуқуқ тизимларида шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Шунингдек, рақамли технологиялар, интернет платформалари ва рақамли иқтисодиёт ривожланиши шароитида мазкур ҳуқуқларнинг трансформацияси, уларнинг интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласидаги ҳуқуқий режимига таъсири ҳамда ҳуқуқ эгасини аниқлаш, асарнинг ҳақиқийлиги ва ҳуқуқий муомаланинг барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: шахсий номулкий ҳуқуқлар, муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал мулк, рақамли муҳит, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, интеллектуал фаолият натижалари, мутлақ ҳуқуқ, ҳуқуқ эгаси, континентал ҳуқуқ тизими, англо-саксон ҳуқуқ тизими, интеллектуал мулк объектлари.

Муаллифлик ҳуқуқи тизими ҳозирги замонда умумэтироф этилган икки асосий ҳуқуқий институтдан иборат бўлиб, улар шахсий номулкий ҳуқуқлар **ҳамда** мулк хусусиятга эга бўлган мутлақ (истисно) ҳуқуқ ҳисобланади. Мазкур таснифнинг ўзиёқ шахсий номулкий ҳуқуқларнинг асосий вазифаси ижодкорнинг иқтисодий эмас, балки унинг шахси билан боғлиқ бўлган номоддий манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдан иборат эканлигини кўрсатади. Бироқ



**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

ушбу ҳуқуқларнинг аҳамияти фақат номоддий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки улар муаллифлик ҳуқуқининг бутун тизимида бир қатор муҳим функцияларни ҳам бажаради.

Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиатини тўғри англаш, аввало, уларнинг муаллифлик ҳуқуқини тартибга солиш тизимидаги ўрни ва вазифасини белгилаб олишни талаб қилади. Чунки айнан мазкур ҳуқуқларнинг мақсади ва функцияларини тўғри баҳолаш келгусида қонунчиликни такомиллаштиришда қайси ҳуқуқий моделни танлаш лозимлигини белгилайди. Шу билан бирга, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг вазифаси тарихий тараққиёт давомида ўзгармас категория ҳисобланмайди. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва технологик ривожланиши, шунингдек, муайян давлатнинг ҳуқуқий анъаналари мазкур ҳуқуқларнинг мазмуни ҳамда уларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг такомиллашувига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис замонавий ахборот жамияти шароитида шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан мавжуд назарий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш объектив заруратга айланмоқда¹.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар бир нечта вазифани бажариши мумкин бўлсада, уларнинг энг асосий функцияси муайян шахсни интеллектуал фаолият натижасининг яратувчиси сифатида аниқлаштиришдан иборат. Бунда муаллиф билан у яратган асар ўртасида ҳуқуқий ва ижтимоий боғлиқлик вужудга келади. Аслида, бу муайян шахснинг ижодкор сифатидаги ижтимоий мақомини тан олишни англатади.

Ижтимоий назарияда таъкидланганидек, инсон ўзини жамиятдаги кўплаб ижтимоий муносабатлар ичида айнан ўзи учун энг муҳим бўлган ижтимоий роллар орқали англайди ва ўз шахсиятини шу роллар билан боғлайди.

¹ Cornish C. (1996) Intellectual Property. London: Sweet and Maxwell, 722 p.



**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

Муаллифлик ҳам шахснинг ана шундай муҳим ижтимоий ролларидан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий эътирофи шахсий номулкий ҳуқуқлар орқали таъминланади².

Бунинг натижасида икки хил ҳуқуқий оқибат юзага келади. Биринчидан, муаллифнинг ижодкор сифатида эътироф этилиши унинг шахсий манфаатлари учун муҳим аҳамият касб этади. Бу эътироф муаллифнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини белгилайди, унинг ўзини баҳолашига, ижодий обрўсига ва келгусида ўз фаолиятдан иқтисодий манфаат олиш имкониятларига бевосита таъсир кўрсатади.

Илмий адабиётларда қайд этилганидек, муаллиф меҳнатининг ижтимоий кадри жамоатчиликнинг янги асарга бўлган қизиқиши, унинг муҳокамаси ва берилган баҳолари орқали намоён бўлади. Шу сабабли муаллиф учун ўз ижод натижасини индивидуаллаштириш, уни ўз ғояси ва мақсадига энг мувофиқ шаклда жамиятга тақдим этиш ҳамда асар билан шахсий алоқасини сақлаб қолиш имконияти алоҳида аҳамиятга эга³.

Иккинчидан, муаллифни идентификация қилиш жамият ва фуқаролик муомаласи манфаатлари нуктаи назаридан ҳам зарур ҳисобланади. Чунки интеллектуал мулк объектларининг иқтисодий муомалада қонуний иштирок этиши уларнинг ҳуқуқ эгасини аниқ белгилашни талаб қилади. Моддий ашёлардан фарқли равишда номоддий объектларни физик белгилари орқали индивидуаллаштириш мумкин эмас. Шунинг учун уларни ҳуқуқий муомалага киритиш махсус ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади.

Е.А. Суханов таъкидлаганидек, ижод натижалари бир вақтнинг ўзида ҳам муаллиф шахсидан тўлиқ ажралиши мумкин эмас, ҳам оддий мулк объектлари

² Дозорцев В.А. Понятие исключительного права // Юридический мир. 2000. № 4. С. 4–9.

³ Хабибулин А.Г., Рахимов Р.А. Государственная идентичность как элемент правового статуса личности // Государство и право. 2000. № 5. С. 5–11.





**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

каби бутунлай бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шу сабабли интеллектуал мулк институтини ашёвий ҳуқуқлар доирасида тўлиқ изоҳлаш имкони мавжуд эмас⁴.

В.А. Дозорцевнинг фикрича, фуқаролик муомаласида муаллифлик ҳуқуқи ва муаллиф номи ҳуқуқи энг аввало дастлабки ҳуқуқ эгасини индивидуаллаштириш вазифасини бажаради. Кейинчалик мазкур объектга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар бошқа шахсларга ўтганда ҳам ҳуқуқӣ ворисликнинг қонунийлиги айнан шу бошланғич идентификация орқали аниқланади. Шу маънода муаллифлик ҳуқуқи ва муаллиф номи ҳуқуқи мулкӣ ҳуқуқларнинг кейинги ҳаракати учун ҳуқуқӣ бошланғич нуқта вазифасини бажаради⁵.

Профессор В.В. Ровний ҳам шахсий номулкӣ ҳуқуқлар билан интеллектуал мулкнинг иқтисодӣ муомаласи ўртасидаги узвий боғлиқликка алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, мутлақ ҳуқуқларнинг фуқаролик муомаласида эркин ҳаракатланиши айнан муаллифнинг ажралмас шахсий ҳуқуқлари билан таъминланади. Муаллифлик ҳуқуқи мутлақ шахсий ҳуқуқ сифатида бегоналаштирилмайди, аммо айнан шу ҳуқуқ мулкӣ ҳуқуқларнинг юзага келиши ва кейинги муомаласининг ҳуқуқӣ асосини ташкил этади. Шу боис шахсий номулкӣ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи предметида мулкӣ муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлган, ўзига хос «оралиқ» ҳуқуқӣ институт сифатида намоён бўлади⁶.

Шундай қилиб, муаллифлик ҳуқуқида икки босқичли идентификация модели шаклланади. Биринчи босқичда муаллиф шахси идентификация қилинади, иккинчи босқичда эса айнан шу шахс орқали интеллектуал мулк объекти ҳуқуқӣ

⁴ Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. М., 1991. С. 28–29.

⁵ Дозорцев В.А. Понятие исключительного права // Юридический мир. 2000. № 4. С. 7.

⁶ Ровный В.В. Предмет гражданского права в Гражданском кодексе Российской Федерации / Гражданское право в системе права. Материалы международной научно-практической конференции (в рамках ежегодных цивилистических чтений). Алматы, 2007. С. 59.





**“ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO’NALISHLARI” nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

жиҳатдан индивидуаллаштирилади. Мазкур ёндашув бир вақтнинг ўзида муаллиф, ҳуқуқ эгаси, тижорат фойдаланувчиси ҳамда истеъмолчилар манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Бу айниқса рақамли муҳитда долзарб аҳамият касб этади, чунки рақамли технологиялар шароитида муаллиф билан унинг асари ўртасидаги табиий боғлиқлик сезиларли даражада сусаяди. Шу билан бирга, айнан ушбу икки босқичли идентификация механизми шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик муомаласига таъсирини билвосита намоён қилади ва турли давлатларда ушбу институтни ҳуқуқий тартибга солиш моделларининг фарқланишига сабаб бўлган.

Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг аҳамияти муаллифлик ҳуқуқининг бутун ривожланиш тарихи давомида эътироф этиб келинган. Муаллифлик тушунчаси (мустақил ҳуқуқ сифатида эмас, балки ҳуқуқий категория сифатида) жамият тараққиётининг нисбатан илк босқичларидаёқ шаклланган¹¹. Бироқ турли мамлакатларда мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос моделлари вужудга келган бўлиб, уларнинг танланиши, асосан, муайян давлатнинг тарихий ва маданий ривожланиш хусусиятлари билан белгиланган. Шу боис хорижий ҳуқуқий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилишда унинг шаклланиш тарихи ва ҳуқуқий анъаналари инобатга олиниши лозим.

Континентал ҳуқуқ тизимида муаллиф ҳақидаги яхлит назария нисбатан кеч шаклланган. XVIII аср бошларида «муаллиф» тушунчаси икки хил ёндашувни бир томондан ҳунарманд, иккинчи томондан эса илҳомланган ижодкор ҳақидаги тасаввурларни қамраб олган бўлса, XVIII аср охирига келиб айнан иккинчи



**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

ёндашув мустақил концепция сифатида шаклланиб, кейинчалик роман-герман ҳуқуқ тизимида устувор ўрин эгаллади⁷.

Бироқ мазкур романтик концепция муаллифнинг шахси билан асар ўртасидаги ажралмас ҳуқуқий алоқани устувор деб ҳисоблагани ҳолда, бозор муносабатлари ва тадбиркорлик эҳтиёжлари билан ҳар доим ҳам мувофиқ келавермайди. Шу сабабли шахсий номулкий ҳуқуқлар анъанавий фуқаролик ҳуқуқидаги мулкӣ муносабатлар моделига тўлиқ мос келмайдиган ҳуқуқий институт сифатида баҳоланади¹³.

Шу муносабат билан роман-герман ҳуқуқ тизимида шахсий номулкий ҳуқуқлар, аввало, муаллиф шахсини муҳофаза қилиш воситаси сифатида қабул қилиниб, уларга ҳар қандай тажовузга нисбатан қатъий ёндашув шаклланган. Шу билан бирга, замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида мазкур ҳуқуқларга нисбатан муайян истисноларни назарда тутиш тенденцияси ҳам кузатилмоқда.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида эса вазият бошқача бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи назарияси романтизм ғоялари шаклланишидан аввал юзага келгани сабабли, муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини алоҳида муҳофаза қилиш ғояси кенг ривожланмаган. Профессор В. Корниш таъкидлаганидек, англо-америка ҳуқуқий анъанаси муаллифларга махсус ҳуқуқий муҳофаза бериш ғоясига нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлган⁸.

Шу билан бирга, Англияда муаллифлик ҳуқуқи тарихи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у дастлаб нашриётлар ўртасидаги иқтисодий манфаатлар тўқнашуви натижасида шаклланган. Шу сабабли муаллифлик ҳуқуқи, энг аввало, асарларнинг иқтисодий муомаласини ташкил этиш воситаси сифатида

⁷ Woodmansee M. The Genius and the Copyright: Economic and Legal Conditions of the Emergence of the "Author" // Eighteenth Century Studies. 1984. Vol. 17. P. 426–427.

⁸ Cornish C. (1996) Intellectual Property. London: Sweet and Maxwell, 722 p.





**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

ривожланган. Континентал ҳуқуқ тизимидан фарқли равишда, мазкур моделда асосий эътибор муаллифнинг ижодий фаолиятини рағбатлантиришга эмас, балки яратилган асарларни имкони қадар кенг тарқатиш ва улардан самарали иқтисодий фойдаланишга қаратилган. Мазкур ёндашув вақт ўтиши билан англо-саксон ҳуқуқ тизимининг фундаментал хусусиятларидан бирига айланиб, бугунги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шу боис ушбу ҳуқуқий анъанани тубдан ўзгартириш бутун ҳуқуқ тизимини қайта шакллантиришни талаб қилади.

Бундай ҳуқуқий ёндашув шароитида шахсий номулкӣ ҳуқуқлар айрим ҳолларда интеллектуал мулк объектларидан эркин ва самарали иқтисодий фойдаланишга тўсқинлик қилувчи институт сифатида баҳоланади. Шу билан бирга, муаллифнинг шахсий манфаатлари мутлақо инкор этилмайди, балки уларни ҳимоя қилиш бошқа ҳуқуқий воситалар орқали таъминланиши мумкинлиги эътироф этилади. Англо-америка ҳуқуқ назариясида ижтимоий манфаатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади, бироқ улар алоҳида муаллиф шахсининг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан эмас, балки муайян қонунчилик ечимининг бутун жамият учун қандай ижтимоий ва иқтисодий натижалар келтириб чиқариши нуқтаи назаридан баҳоланади. Шу муносабат билан инглиз олимлари таъкидлаганидек, замонавий муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг ривожланишида англо-америка ҳуқуқ тизимида иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этса, континентал Европа давлатларида табиӣ ҳуқуқ ғоялари ҳамда муаллиф шахсини муҳофаза қилиш устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

Натижада англо-саксон ҳуқуқ анъанасида асар, биринчи навбатда, эркин иқтисодий муомала объекти сифатида қаралади. Ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи асосан мазкур объектга эгалик қилувчи шахс ёки



**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

компаниянинг иқтисодий манфаатлари билан белгиланади. Табиийки, бундай ёндашувда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари муаллифлик ҳуқуқининг асосий иқтисодий функцияси билан маълум даражада қарама-қаршиликка киришади. Шу сабабли узоқ вақт давомида ушбу ҳуқуқларга алоҳида ҳуқуқий муҳофаза бериш англо-саксон ҳуқуқ тизими учун хос хусусият ҳисобланмаган.

Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб англо-саксон ҳуқуқ тизимида ҳам шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан муносабат сезиларли даражада ўзгара бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири қонунчиликни континентал Европа давлатлари ҳуқуқи билан уйғунлаштириш зарурати бўлса, иккинчиси шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фақат романтик назария эмас, балки замонавий иқтисодиёт ва ахборот жамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этишини англаш билан боғлиқдир. Айниқса, рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши мазкур жараёни янада тезлаштирди. Чунки рақамли муҳитда асарлардан глобал миқёсда фойдаланиш имконияти кенгайди, шу билан бирга уларни аниқ идентификация қилиш, муаллиф билан боғлаш ва ҳуқуқ эгасини белгилашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизмларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб борди. Ахборот жамияти шароитида шахсий номулкий ҳуқуқлар энди фақат муаллифнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси эмас, балки глобал рақамли муҳитда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муомаласини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт сифатида ҳам намоён бўлмоқда⁹.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Cornish C. (1996) Intellectual Property. London: Sweet and Maxwell, 722 p.

⁹ Holderness M. (1998) Moral Rights and Authors' Rights: The Keys to the Information Age. The Journal of Information Law and Technology, no 1. Available at: https://www2.warwick.ac.uk/fac/soc/law/elj/jilt/1998_1/holderness/ (accessed: 9.10.2016)



**"ZAMONAVIY ILMIY YONDASHUVLAR VA TEXNOLOGIK
TARAQQIYOTNING USTUVOR YO'NALISHLARI" nomli Respublika
ilmiy-amaliy masofaviy konferensiyasi
VOLUME-1, ISSUE-4, 2026**

2. Дозорцев В.А. Понятие исключительного права // Юридический мир. 2000. № 4. С. 4–9.

3. Хабибулин А.Г.. Рахимов Р.А. Государственная идентичность как элемент правового статуса личности // Государство и право. 2000. № 5. С. 5–11.

4. Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. М., 1991. С. 28–29.

5. Дозорцев В.А. Понятие исключительного права // Юридический мир. 2000. № 4. С. 7.

6. Ровный В.В. Предмет гражданского права в Гражданском кодексе Российской Федерации / Гражданское право в системе права. Материалы международной научно-практической конференции (в рамках ежегодных цивилистических чтений). Алматы, 2007. С. 59.

7. Woodmansee M. The Genius and the Copyright: Economic and Legal Conditions of the Emergence of the "Author" // Eighteenth Century Studies. 1984. Vol. 17. P. 426–427.

8. Cornish C. (1996) Intellectual Property. London: Sweet and Maxwell, 722 p.

9. Holderness M. (1998) Moral Rights and Authors' Rights: The Keys to the Information Age. The Journal of Information Law and Technology, no 1. Available at: https://www2.warwick.ac.uk/fac/soc/law/elj/jilt/1998_1/holderness/ (accessed: 9.10.2016)